



**Андижон вилоят статистика бошқармаси  
«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари  
билан ишлаш ва ижро интизоми назорати» бўлими**

**НИЗОМИ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-445-сон Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 341-сон Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасида (кейинги ўринларда Қўмита деб аталади), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармаларида (кейинги ўринларда ҳудудий статистика бошқармалари деб аталади), туман, шаҳар статистика бўлимларида (кейинги ўринларда ҳудудий статистика бўлимлари деб аталади), шунингдек Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари марказида (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари (кейинги ўринларда мурожаатлар деб аталади) билан ишлаш тартибини белгилайди.

Мазкур Низомда Қўмита, ҳудудий статистика бошқармалари, ҳудудий статистика бўлимлари ва Марказда (кейинги ўринларда давлат статистика органлари деб аталади) мурожаатлар билан ишлаш тартибининг умумий қоидалари, мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби, кўриб чиқиш муддатлари, кўрмай қолдириш, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилишни ташкил этиш, кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва давлат статистика органларининг мажбуриятлари, кўриб чиқишни назорат қилиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш ҳамда кўриб чиқиш муддатлари ва тартиби бузилганлиги учун жавобгарлик баён этилади.

## 2. Ушбу Низомнинг амал қилиши:

кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, иқтисодий процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатларга;

давлат органларининг Қўмита билан, шунингдек давлат статистика органларининг, улар таркибий бўлинмаларининг ўзаро ёзишмаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

## 3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ариза** – ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат;

**таклиф** – давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат;

**шикоят** – бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат;

**аноним мурожаат** – жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган, шунингдек уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон мурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма мурожаат;

**муурожаатнинг дубликати** – айнан бир жисмоний ёки юридик шахснинг муурожаати нусхаси;

**такрорий муурожаат** – айнаи бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган, унинг аввалги муурожаати юзасидан қабул қилинган қарор устидан шикоят қилинаётган ёки бошқача тарзда норозилик билдирилаётган, шунингдек, агар такрорий муурожаат келиб тушган пайтга келиб қонун ҳужжатларида белгиланган кўриб чиқиш муддати тугаган бўлса, илгариги муурожаати ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги тўғрисида хабар қилинаётган муурожаат;

**электрон муурожаат** – белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан давлат органининг, ташкилотнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган муурожаат, реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда берилган оғзаки муурожаатлар бундан мустасно.

## 4. Муурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда берилиши мумкин.

Муурожаатлар, уларнинг шакли ва туридан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга бўлади.

Давлат статистика органларининг “ишонч телефони”га келиб тушган муурожаатлар оғзаки муурожаат сифатида ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича “Ишонч телефонлари”га келиб тушган муурожаатларни рўйхатга олиш журналида рўйхатга олинади, шунингдек ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича карточкада қайд этилади ва кўриб чиқилади.

Давлат статистика органларига “ишонч телефонлари” орқали келиб тушган муурожаатларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш, шунингдек ушбу муурожаатлар билан иш юритишни ташкил этиш, Қўмитада – Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш бўлими, ҳудудий статистика бошқармаларида

– Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бўлими томонидан амалга оширилади.

“Ишонч телефонлари” орқали келиб тушган мурожаатлар билан иш юритишни тартибли ташкил этиш, ушбу бўлимлар раҳбарларининг зиммасига юклатилади.

Давлат статистика органларининг расмий электрон почта манзилига келиб тушган мурожаатлар электрон мурожаатлар тарзида қайд этилади ва ушбу Низомда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхоналари орқали келиб тушаётган мурожаатлар Қонунда ва ушбу Низомда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Давлат статистика органларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхоналари орқали келиб тушаётган мурожаатларга тегишлича “*х/ж* ёки *х/ю*” ҳамда “*в/ж* ёки *в/ю*” белги қўйилган ҳолда рўйхатга олинади.

Оммавий ахборот воситалари таҳририятларидан келиб тушган мурожаатлар Қонунда ҳамда ушбу Низомда назарда тутилган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

Мурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин.  
5. Мурожаатлар аризалар, таклифлар ва шикоятлар тарзида бўлиши мумкин.

Жисмоний ва юридик шахслар яқка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат этишлари мумкин.

6. Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари, фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат статистика органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

7. Мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланилаётганда жисмоний шахснинг жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий маъқеига, шунингдек, юридик шахсларнинг мулк шакли, жойлашган ери (почта манзили), ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва бошқа ҳолатларига қараб камситишга йўл қўйилмайди.

Мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти, юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар уларнинг розилигисиз, давлат статистика органлари ходимлари ва мансабдор шахслари томонидан ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

## **II. Мурожаатларни бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби**

8. Жисмоний ва юридик шахслар мустақил равишда ёки вакили (қонуний вакили (ота-онаси, фарзандликка олувчиси ҳамда васийси ёки ҳомийси) ёки шартнома бўйича (ихтиёрий) вакили) орқали почта алоқа воситалари, интернетдаги электрон почта (манзил)ларидан фойдаланган ҳолда мурожаат этишлари мумкин.

9. Жисмоний шахснинг мурожаатида унинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Юридик шахснинг мурожаатида юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Жисмоний ва юридик шахснинг мурожаатида давлат статистика органининг аниқ номи, мурожаат юборилаётган мансабдор шахснинг лавозими ва (ёки)

фамилияси (исми, отасининг исми) кўрсатилган, шунингдек, мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Мурожаатларда мурожаат этувчиларнинг электрон почта манзили, алоқа телефонлари ва факслари рақамлари кўрсатилиши мумкин.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

10. Мурожаат почта орқали конвертда келиб тушганда конвертда мурожаат ва унга иловалар мавжудлиги текширилади.

Конвертда мурожаат мавжуд бўлмаса ёки у шикастланган бўлса, шунингдек мурожаатда кўрсатилган иловалар мавжуд бўлмаса, икки нусхада далолатнома тузилиб, унинг бир нусхаси мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул бўлинмада қолади, иккинчи нусхаси мурожаат этувчига конвертда кўрсатилган манзил бўйича юборилади.

Келиб тушган мурожаатлар конвертлари мурожаат этувчининг манзилини, мурожаатнинг жўнатилган ва олинган вақтини аниқлаш учун сақлаб қолиниши мумкин.

11. Ёзма мурожаат мурожаат этувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки мурожаат этувчи юридик шахс ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини мурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак.

12. Давлат статистика органларида ушбу Низом талабларига мувофиқ мурожаатлар билан ишлашда электрон ҳужжат айланиши тизими жорий қилиниши мумкин.

13. Давлат статистика органларида мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш учун юбориш, шунингдек унинг кўриб чиқилишини назорат қилиш Қўмитада – Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бошқармаси, ҳудудий статистика бошқармаларида – Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бўлимлари, Марказда – мурожаатлар билан ишлаш бўйича гуруҳ, ҳудудий статистика бўлимларида – масъул ходим (кейинги ўринларда мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул бўлинма деб аталади) томонидан амалга оширилади.

Қўмитанинг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бошқармаси мурожаатларни кўриб чиқилишини назорат қилиш масалаларида бевосита Қўмита Раисига, ҳудудий статистика бошқармаларининг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бўлимлари бевосита ҳудудий статистика бошқармалари бошлиқларига бўйсунди.

Қўмитанинг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро назорати бошқармаси, ҳудудий статистика бошқармаларининг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бўлимлари ҳамда уларнинг ходимларининг ҳуқуқлари ҳамда вазифалари улар тўғрисидаги низомларда, ушбу Низомда ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тўғрисидаги бошқа ҳужжатларда белгиланади.

Мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул бўлинма ходимлари ишда бўлмаганида (таътилда, хизмат сафариди ва вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даврида) мурожаатлар билан ишлаш давлат статистика органи раҳбари белгилаган бўлинма (ходим) томонидан амалга оширилади.

14. Электрон мурожаатлар тушган кунда қоғозга босиб чиқарилиши, иш вақти тамом бўлгандан кейин тушган тақдирда эса – навбатдаги иш кунда қоғозга босиб чиқарилиши ва ушбу Низом қоидалари бўйича рўйхатга олиниси ҳамда кўриб чиқилиши керак.

15. Ёзма ва электрон (қоғозга босиб чиқарилган) мурожаатлар, тегишлилиги бўйича ушбу Низомга 3 ва 4-иловага мувофиқ шакллар бўйича мурожаатларни рўйхатга олиш журнаliga зарур ёзувларни киритиш, ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича ҳисобга олиш карточкасини тўлдириш ва мурожаатнинг биринчи саҳифаси кўйи ўнг қисмида рўйхатга олиш штампини кўйиш йўли билан мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул бўлинма ходимлари томонидан рўйхатга олинади.

Бунда, жисмоний шахсларнинг мурожаатларига “*ж*”, юридик шахсларнинг мурожаатларига “*ю*” белгиси кўйилган ҳолда рўйхатга олинади.

Қайд этиш штампиди давлат статистика органининг расмий номи (*агар давлат статистика органининг расмий номи узун бўлса, умумқабул қилинган қисқартирилган ном ёки қисқартма кўрсатилиши мумкин*), мурожаатнинг келиб тушган санаси ва қайд рақами кўрсатилади.

Мурожаатларнинг тартиб рақамлари ҳар йил бошидан янгидан ҳисобланади.

16. Оғзаки мурожаатлар билан келган жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул бўлинмалар томонидан қабул қилинади.

Мурожаат этувчининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатлар текширилгандан кейин ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича ҳисобга олиш карточкаси тўлдирилади. Ҳисобга олиш карточкаси оғзаки мурожаат сифатида, тегишлилиги бўйича ушбу Низомга 3 ва 4-иловага мувофиқ шакллар бўйича мурожаатларни рўйхатга олиш журнаliga зарур ёзувларни киритиш орқали рўйхатга олинади.

17. Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари давлат статистика органига оғзаки мурожаат этишганда, улар томонидан тақдим қилинган ёзма мурожаатлар ҳамда бошқа материаллар қабул қилиниши ва ушбу Низомнинг 15-бандига мувофиқ тўлдирилган ҳисобга олиш карточкасига илова қилиниши керак.

18. Рўйхатга олинган мурожаатлар келиб тушган пайтидан бошлаб бир иш кундан кечикмай давлат статистика органи раҳбарига ёки унинг ўринбосарига киритилади, у масъул таркибий бўлинмани (ходимни) белгилаган ҳолда мурожаатни кўриб чиқиш бўйича резолюцияни (топшириқномани) кўяди.

19. Резолюция (топшириқнома) кўйилган пайтдан бошлаб бир иш кунини мобайнида мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул бўлинма мурожаатни ижро этувчи сифатида белгиланган таркибий бўлинма(лар)га (ходимга) имзо кўйдирган ҳолда беради. Мурожаатни ижро этувчи сифатида белгиланган таркибий бўлинма(лар) мурожаатни белгиланган тартибда кўриб чиқилишини таъминлайди.

20. Давлат статистика органига келиб тушган мурожаатлар давлат статистика органининг иш юритувига қабул қилиниши, зарур ҳолларда, бўйсунуш тартибиди

тегишли қуйи давлат статистика органига юборилиши ёки тегишлилиги бўйича бошқа давлат органига юборилиши мумкин.

Зарур ҳолларда, юқори давлат статистика органи, қуйи давлат статистика органидан мурожаатни кўриб чиқиш бўйича олинган жавоб хатлари асосида мурожаат этувчига мурожаатни кўриб чиқиш натижаларини ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилади.

21. Қўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколати доирасига кирмайдиган давлат статистика органига келиб тушган мурожаатлар беш кун муддатдан кечиктирмай давлат статистика органининг раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланган хат билан тегишли органларга юборилади, бу ҳақда мурожаат этувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилинади.

Мурожаатни кўриб чиқиши учун асоссиз равишда бошқа давлат органларига ўтказиш ёхуд қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган органларга ёки мансабдор шахсларга юбориш тақиқланади.

Агар мурожаатларда уларни тегишли органларга юбориш учун зарур бўлган маълумотлар мавжуд бўлмаса, у ҳолда улар беш кун муддатдан кечиктирмай асослантирилган тушунтириш билан мурожаат этувчиларга қайтарилади.

22. Қуйи давлат статистика органи томонидан кўриб чиқилиши керак бўлган мурожаатлар, унга мурожаат келиб тушган кунидан бошлаб беш кун муддатдан кечиктирмай хат билан ёки юқори давлат статистика органининг раҳбари ёки унинг ўринбосарлари томонидан имзоланган топшириқ билан бирга юборилиши, бу ҳақда мурожаат этувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар берилиши керак.

23. Агар мурожаатда бир нечта таркибий бўлинмага тегишли масалалар мавжуд бўлса, уларнинг барчаси мурожаатни кўриб чиқиш бўйича ижро этувчилар этиб белгиланади. Ижро этувчилар орасида биринчи бўлиб кўрсатилган таркибий бўлинма бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда мурожаатнинг кўриб чиқилишини таъминлайди.

24. Мурожаатни тўлиқ, холис ва ўз вақтида кўриб чиқиш учун қўшимча маълумотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурият пайдо бўлган тақдирда мурожаатни кўриб чиқувчи таркибий бўлинма мурожаат этган жисмоний ёки юридик шахсдан, шунингдек ушбу давлат статистика органининг ваколатлари доирасида белгиланган тартибда бошқа давлат органларидан, ташкилотлардан қўшимча ахборотни расмий хат билан сўраб олиши мумкин.

Агар бошқа давлат органлари, ташкилотлар томонидан уларнинг иш юритувидаги мурожаат(лар)ни кўриб чиқиш учун қўшимча маълумотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурият пайдо бўлганлиги сабабли, давлат статистика органларига сўровлар юборилганда, давлат статистика органларининг раҳбарлари ва ўринбосарлари сўралаётган ахборотлар давлат сирини ёки қонун билан қўриқладиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, тегишли қўшимча маълумотлар, маълумотномалар ва материалларни сўров юборган давлат органларига, ташкилотларга ўн кун ичида тақдим этишлари шарт.

25. Агар мурожаатда жойнинг ўзида ўрганишни талаб этувчи ҳолат баён қилинган бўлса, шунингдек бошқа зарур ҳолларда мурожаатни кўриб чиқувчи давлат статистика органи мурожаатни жойнинг ўзида кўриб чиқишни таъминлаши мумкин.

Мурожаатни жойнинг ўзида кўриб чиқиш давлат статистика органи раҳбарининг топшириғи ёки унинг розилиғи билан амалга оширилади.

26. Мурожаатни мурожаат этган ёки бошқа шахснинг иштирокисиз кўриб чиқишнинг имконияти бўлмаганда, улар давлат статистика органининг раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан расмий хат билан чақирилиши мумкин. Чақирилган мурожаат этувчи келмаган тақдирда давлат статистика органининг раҳбари ёки унинг ўринбосари мурожаатни унинг иштирокисиз кўриб чиқиш мумкин эмаслиги тўғрисида жавоб юборади.

27. Агар мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида мурожаатнинг дубликати келиб тушса, ушбу мурожаат аввал тушган мурожаат билан биргаликда кўриб чиқилади ҳамда натижаси бўйича ягона жавоб берилади.

Мурожаатнинг дубликатига аввал тушган мурожаатнинг тартиб рақами ва “**дубликат**” сўзи билан белги ва мурожаатнинг дубликати келиб тушган сана қўйилади. Мурожаатнинг дубликати аввал тушган мурожаат билан биргаликда сақланади.

28. Агар мурожаатда ўртага қўйилган масалалар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига дахлдор бўлса, уларнинг вакиллари мурожаатни кўриб чиқишда иштирок этиш учун давлат статистика органи томонидан ўз ваколатлари доирасида расмий хат билан жалб этилади.

29. Зарур ҳолларда, мурожаатларни кўриб чиқиш учун давлат статистика органи томонидан тегишли мутахассислар жалб этилиши мумкин.

30. Мурожаатни ижро этувчи сифатида белгиланган таркибий бўлинма(лар) ўз ёки давлат статистика органи раҳбарияти ташаббусига кўра ёхуд мурожаат этувчининг илтимосига кўра уни эшитишни ташкил этиши мумкин.

31. Мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат статистика органи томонидан тегишли қарор қабул қилинади, бу ҳақда дарҳол ёзма ёхуд электрон шаклда мурожаат этувчига хабар берилади.

Мурожаатни қониқтирмасдан қолдириш тўғрисидаги қарорни:

Қўмитада – раис, унинг ўринбосарлари;

ҳудудий статистика бошқармаларида – бошқарма бошлиғи, унинг ўринбосарлари;

Марказда – директор, директор ўринбосарлари;

ҳудудий статистика бўлимида – бўлим бошлиғи қабул қилади.

Мурожаатга жавоб хатида мурожаатда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича важларни рад (инкор) этувчи ёки тасдиқловчи аниқ асослар (заруриятга қараб қонун ҳужжатлари нормаларига ҳаволалар қилинган ҳолда) бўлиши керак.

32. Жисмоний шахсларнинг мурожаатлари бўйича ёзма ёки электрон жавоб хатлари Қўмитада – Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўлими, ҳудудий статистика бошқармаларида – Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бўлими, Марказда – Умумий бўлим томонидан йиғма жилдлар номенклатураси талабларига асосан рўйхатдан ўтказилади.

33. Иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномалар, Қўмитада – Молия-иқтисодиёт бошқармасида, ҳудудий статистика бошқармаларида – Молия-иқтисодиёт бўлимларида, Марказда – Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ишлар бўлими, ҳудудий

статистика бўлимларида – масъул ходим томонидан йиғма жилдлар номенклатураси талабларига асосан рўйхатдан ўтказилади.

34. Мурожаатга жавоб хати давлат статистика органи раҳбари ёки унинг ўринбосарлари томонидан имзоланади.

Мурожаатларга жавоб хати, мумкин қадар, мурожаат этилган тилда баён қилинади.

35. Жисмоний ёки юридик шахслар жамоа бўлиб мурожаат қилган тақдирда, уларнинг мурожаатлари Қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқилади. Бунда мурожаатга жавоб мурожаат қилганларнинг рўйхатида биринчи бўлиб кўрсатилган шахсга ёки, уларнинг талабига кўра, бошқа шахсга юборилади.

36. Мурожаат, унда кўтарилган барча масалалар Қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқилган ва мурожаат этувчига тегишли жавоб юборилган тақдирда кўриб чиқилган ҳисобланади.

Мурожаат этувчига жавоб юборилган кун мурожаатни кўриб чиқиш тугалланган кун ҳисобланади, бу ҳақда мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул бўлинма мурожаатларни рўйхатга олиш журнаliga (тегишлилиги бўйича) ва ҳисобга олиш карточкасига белги қўяди.

Оралиқ жавоблар берилган ва тўлиқ кўриб чиқилмаган мурожаатлар ижродан ёки назоратдан олинмайди.

37. Назоратга олинган мурожаат ушбу мурожаатни назоратга олган раҳбар ёки мансабдор шахс томонидан назоратдан ва ижродан олинади.

38. Юқори давлат статистика органининг назоратида турган мурожаатлар бўйича мурожаатни кўриб чиққан давлат статистика органи мурожаат этувчига юборилган жавоб хатининг нусхасини илова қилган ҳолда мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида юқори давлат статистика органига ёзма шаклда хабар беради.

39. Кўриб чиқилган мурожаатларни ва улар билан боғлиқ материалларни сақлаш Қўмита томонидан белгиланган тартибда қуйидагилар томонидан амалга оширилади.

Жисмоний шахсларнинг ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ва улар билан боғлиқ материалларни сақлаш: Қўмитада – Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўлими, ҳудудий статистика бошқармаларида – Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бўлими; ҳудудий статистика бўлимларида ва Марказда – масъул ходим томонидан амалга оширилади.

Сақлаш муддати тугаган мурожаатларни ва улар билан боғлиқ материалларни, шу жумладан электрон кўринишдаги ҳужжатларни йўқ қилиш ишлари Қўмита томонидан белгиланган тартибда ҳамда архив ишларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Қўмита тизимида қабул қилинган ички меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

### **III. Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари**

40. Ариза ёки шикоят масалани мазмуни бўйича ҳал этиши шарт бўлган давлат статистика органига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, кўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, кўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.



Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари тегишли давлат статистика органи раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан, истисно тариқасида, кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда муурожаат этувчига хабар қилинади.

41. Таклиф давлат статистика органига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно, бу ҳақда таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кун муддатда ёзма шаклда хабар қилинади.

42. Айрим ҳолларда давлат статистика органининг раҳбари ёки унинг ўринбосари муурожаатни кўриб чиқишнинг қисқартирилган муддатини белгилаши мумкин.

43. Муурожаатлар билан ишлаш муддатлари улар давлат статистика органига келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланади. Қуйи давлат статистика органига юборилган муурожаатни кўриб чиқиш муддати, ушбу муурожаат юқори давлат статистика органига келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланади. Агар тегишли муддатнинг охири куни дам олиш ва байрам кунларига тўғри келса, навбатдаги иш куни муддат тугайдиган кун ҳисобланади.

44. Жисмоний ёки юридик шахснинг илтимосига кўра муурожаатни кўриб чиққан давлат статистика органи муурожаатга жавобни унинг мазмунини ўзгартирмасдан тушунтиради, шунингдек йўл қўйилган хатолар ва арифметик хатоларни ўз ташаббусига кўра ёки муурожаат этувчининг илтимосига кўра, муурожаатга жавобнинг мазмунига дахл қилмаган ҳолда тузатади.

Муурожаат этувчининг муурожаатга жавобни тушунтириш ва уни тузатиш тўғрисидаги илтимоси у келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичида кўриб чиқилади.

#### **IV. Муурожаатларни кўрмай қолдириш ва кўриб чиқишни тугатиш**

45. Қуйидаги муурожаатлар кўриб чиқилмайди:

аноним муурожаатлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган муурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда;

Қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган муурожаатлар.

Юқоридаги муурожаатлар ҳам муурожаатдаги мавжуд маълумотлар асосида ушбу Низомнинг 15 ва 16-бандларида назарда тутилган тартибда рўйхатга олинади.

46. Муурожаатни аноним деб эътироф этиш муурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул ходим ёки муурожаатни кўриб чиқувчи таркибий бўлинма томонидан амалга оширилади.

Муурожаат аноним деб эътироф этилганда бу ҳақда хулоса тузилади. Хулосада муурожаатни аноним деб эътироф этиш учун асослар кўрсатилади. Муурожаатни аноним деб эътироф этиш тўғрисидаги хулоса давлат статистика органи раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Давлат статистика органларининг “ишонч телефонлари”га тушган муурожаатлар Қонунда ва ушбу Низомда назарда тутилган тартибда аноним деб эътироф этилиши мумкин.

Аноним деб эътироф этилган муурожаатлар хулоса тасдиқланган пайтдан бошлаб назоратдан ёки ижродан олинади ва кўриб чиқилмайди.

47. Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган муурожаатлар келиб тушганда, муурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул ходим уларнинг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжудлигини текширади.

Агар муурожаатда жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд бўлмаса, бу ҳақда муурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул ходим томонидан хулоса тузилади ва давлат статистика органи раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хулоса тасдиқланган пайтдан бошлаб ушбу муурожаат кўриб чиқилмайди, бу ҳақда муурожаат этувчи ёзма равишда хабардор қилинади.

48. Қуйидаги ҳолларда муурожаатларни кўриб чиқиш тугатилади:

агар такрорий муурожаатларда янги важлар ёки янгидан очилган ҳолатлар келтирилмаган бўлса, илгариги муурожаат материалларида эса текширувларнинг тўла-тўқис материаллари мавжуд бўлса ва муурожаат этувчига белгиланган тартибда жавоблар берилган бўлса;

агар муурожаат этувчи ўз муурожаатини белгиланган тартибда чақириб олган бўлса ёки уни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисидаги илтимос қилган бўлса;

яшаш жойи, турган жойи (почта манзили), электрон почта манзили ёки бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида ўз вақтида хабардор қилмаганлиги туфайли чақириб олишнинг имкони йўқлиги сабабли муурожаатни муурожаат этувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти бўлмаганда;

муурожаатни муурожаат этувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли, давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахси томонидан чақирилган муурожаат этувчи келмай қолган тақдирда;

агар муурожаат этувчи жисмоний шахс вафот этганидан сўнг муурожаатни кўриб чиқиш ҳуқуқий ворисликка йўл қўймас.

49. Муурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисидаги қарорни давлат статистика органининг раҳбари ёки унинг ўринбосари қабул қилади.

Такрорий муурожаатни кўриб чиқиш ушбу Низомнинг 48-банд иккинчи хатбошисига мувофиқ тугатилганда, муурожаат этувчи такрорий муурожаатнинг асосизлиги ва ушбу масала юзасидан у билан ёзишмалар тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинади. Ёзишмалар олиб бориш тугатилган муурожаат этувчидан такрорий муурожаат келиб тушган тақдирда, бундай муурожаатни кўриб чиқиш муурожаат этувчини бу ҳақда хабардор қилмасдан тугатилади.

Муурожаатни кўриб чиқиш уни чақириб олиш тўғрисидаги ариза бўйича тугатилганда, муурожаат муурожаат этувчига давлат статистика органининг хати билан бирга уч кун ичида қайтарилди. Муурожаатни чақириб олиш тўғрисидаги ариза қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилишини истисно этмайди.

Муурожаат қилувчи чақирилган жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг келмай қолганлиги сабабли муурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинади.

## **V. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилишни ташкил этиш**

50. Давлат статистика органларида жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш белгиланган кун ва соатларда қабул қилиш жадвалига мувофиқ ўтказилади.

Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш давлат статистика органи раҳбари ёхуд унинг ўринбосарлари томонидан амалга оширилади.

51. Давлат статистика органларида жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш учун алоҳида хона ажратилади.

52. Қабул қилиш жадвали ва уни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тартиби тўғрисидаги ахборот, шунингдек қабул қилиш тартиби давлат статистика органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш, шунингдек уларнинг давлат статистика органлари жойлашган маъмурий бинода ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилади.

Қуйи давлат статистика органларида юқори давлат статистика органларининг қабул қилиш жадваллари ҳам манфаатдор шахслар эътиборига етказилади.

Жисмоний шахс оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, юридик шахснинг вакили эса – ўз ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатни, шунингдек ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши керак.

53. Мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул бўлинма қабулга келган жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилишни, шунингдек жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш билан боғлиқ ишларни ташкил этади.

Жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакиллари қабуллар вақтида берилган оғзаки мурожаатлари ушбу Низомнинг 16-бандига мувофиқ расмийлаштирилади ва рўйхатга олинади.

54. Давлат статистика органида жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул бўлинма ходими ёки тегишли таркибий бўлинма ходимлари иштирокида амалга оширилади.

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш, агар уларнинг шундай хусусиятга эга бўлган илгариги мурожаати бўйича давлат статистика органлари томонидан қарор қабул қилинган бўлса ва бу ҳақда уларга Қонунда белгиланган тартибда хабар қилинган бўлса, рад этилиши мумкин.

Давлат статистика органларининг шахсий қабулни ўтказувчи раҳбарлари ёки уларнинг ўринбосарлари ҳар қандай масалалар, шу жумладан ўз ваколатларига кирмайдиган масалалар бўйича мурожаат этилганда қабулни рад этишга ҳақли эмас.

55. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул этувчи раҳбар ёки унинг ўринбосарининг кўрсатмаси бўйича давлат статистика органининг бошқа ходимлари ҳам қабул қилиш жараёнига жалб этилиши мумкин.

56. Агар жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакиллари шахсан қабул қилиш пайтида мурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш давлат статистика органининг ваколатига кирмаслиги аниқланган тақдирда, уларга мурожаатда баён қилинган масалаларни ҳал этиш учун қайси органга ёки ташкилотга мурожаат қилиш кераклиги тушунтирилади. Бунда жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакиллари талаби билан бу ҳақда ёзма шаклда жавоб берилади.

57. Давлат статистика органининг раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан сайёр шахсий қабуллар ташкил этилиши мумкин.

Сайёр шахсий қабуллар вақтида мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул бўлинма ходими ва давлат статистика органининг бошқа масъул ходимлари иштирок этиши мумкин.

58. Сайёр шахсий қабуллар алоҳида тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ ўтказилади.

Зарур ҳолларда жадвалда назарда тутилмаган сайёр шахсий қабуллар ўтказилиши мумкин.

59. Сайёр шахсий қабулларни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тартиби тўғрисидаги ахборот ушбу Низомнинг 51-бандида белгиланган тартибда манфаатдор шахслар эътиборига етказилади, шунингдек маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

60. Жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларининг сайёр шахсий қабуллар вақтида берилган оғзаки мурожаатлари ушбу Низомнинг 16-бандига мувофиқ расмийлаштирилади ва рўйхатга олинади ҳамда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

## **VI. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари**

61. Мурожаатлар давлат статистика органлари томонидан кўриб чиқиладиганда жисмоний ва юридик шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

муурожаат кўриб чиқилишининг бориши ҳақида ахборот олиш;

важларни шахсан баён этиш ва тушунтиришлар бериш;

муурожаатни текшириш материаллари ҳамда уни кўриб чиқиш натижалари билан танишиш;

қўшимча материаллар тақдим этиш ёки уларни бошқа органлардан сўраб олиш тўғрисида илтимос қилиш;

адвокат ёрдамидан фойдаланиш;

муурожаатни кўриб чиқишни тўхтатиш тўғрисида ёхуд муурожаатга жавобни тушунтириш ва (ёки) уни тузатиш тўғрисида илтимос қилиш;

ўз муурожаатини у кўриб чиқилгунига қадар ва кўриб чиқиладиган пайтда муурожаат бўйича қарор қабул қилингунига қадар ёзма ёки электрон шаклда ариза бериш йўли билан чақириб олиш;

муурожаатни қабул қилишни ёки кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этганлик устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки бевосита судга шикоят қилиш.

Жисмоний ва юридик шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ муурожаатларни кўриб чиқишда бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## **VII. Мурожаатларни кўриб чиқишда давлат статистика органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳуқуқ ва эркинликлари**

62. Мурожаатларни кўриб чиқишда давлат статистика органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

муурожаатни кўриб чиқиш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

муурожаат этувчи ёки унинг вакилини улар йўқлигида муурожаатни кўриб чиқиш мумкин бўлмаганда ёхуд муурожаатни эшитиш учун чақириб олиш;

била туриб ёлгон маълумотлар кўрсатилган мурожаатни текшириш сабабли етказилган харажатларнинг ўрнини қоплаш тўғрисида судга мурожаат қилиш.

63. Давлат статистика органларининг мурожаатни кўриб чиқувчи мансабдор шахслари ёки бошқа ваколатли шахслари:

муурожаат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

муурожаат қилувчига унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини, агар улар давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир бўлган маълумотларни ўз ичига олмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, таъминлаши;

муурожаат этувчига кўриб чиқиш натижалари ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида муурожаат кўриб чиқилганидан сўнг зудлик билан ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилиши;

муурожаат юзасидан қабул қилинган қарор устидан, агар жисмоний ёки юридик шахс ушбу қарорга рози бўлмаса, шикоят бериш тиртибини тушунтириши;

муурожаатни кўриб чиқиш натижаларига кўра қабул қилинган қарорнинг ижросини назорат қилиши;

қонунга хилоф ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) бартараф этиш юзасидан дарҳол чора-тадбирлар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабаблар ва шароитларни ўз ваколатлари доирасида аниқлаши;

жисмоний шахс, унинг вакили, уларнинг оила аъзолари, юридик шахс, унинг вакили ва юридик шахс вакилининг оила аъзолари уларнинг муурожаатлари сабабли таъқиб этилишини белгиланган тартибда бартараф этиш чораларини кўриши;

агар жисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилиши натижасида моддий зарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, қонунда белгиланган тартибда моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиённи компенсация қилиш чораларини кўриши шарт.

Давлат статистика органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## **VIII. Муурожаатлар кўриб чиқилишини мониторинг ва назорат қилиш.**

### **Муурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш**

64. Давлат статистика органлари раҳбарлари ёки уларнинг ўринбосарлари ўз тузилмавий бўлинмалари томонидан муурожаатларнинг кўриб чиқилиши устидан доимий мониторинг ва назоратни амалга оширади, уларнинг тўлиқ, ҳолисона ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш чораларини кўради.

65. Муурожаат у қайси раҳбар ёки ваколат берилган ўринбосар томонидан назоратга олинган бўлса, ўша шахс томонидан назоратдан ва ижродан олинади.

66. Муурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул бўлинма (ҳодим) таркибий бўлинмалар томонидан муурожаатлар кўриб чиқилишини доимий назорат қилади ва унинг мониторингини олиб боради, уларнинг ўз вақтида ва зарур тарзда кўриб чиқилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўради.

Мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул бўлинма (ходим) мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари ва тартиби таркибий бўлинмалар томонидан бузилиши тўғрисида давлат статистика органи раҳбарини дарҳол хабардор қилади.

Мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул бўлинма (ходим) мониторинг натижалари бўйича ҳар ойда давлат статистика органи раҳбарига мурожаатлар кўриб чиқилишининг ҳолати тўғрисидаги ахборотни, зарурият бўлганда, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйган давлат статистика органи ходимларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш юзасидан тегишли таклифлар билан биргаликда тақдим этади.

67. Давлат статистика органи жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек жамият ва давлатнинг манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида ҳар чоракда мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилишни таъминлайди.

Таҳлил натижалари бўйича мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул бўлинма (ходим) ёки таркибий бўлинма, зарур ҳолларда давлат статистика органи раҳбарига давлат статистика органида мурожаатларни кўриб чиқишнинг қонунийлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек жамият ва давлатнинг манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади.

Қўмитанинг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бошқармаси, ҳудудий статистика бошқармаларининг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бўлимлари, Марказ томонидан давлат статистика органларининг расмий веб-сайтларида мурожаатларни таҳлил қилиш яқунлари бўйича тегишли статистика ҳисоботларини ҳар ойда эълон қиладилар.

Ҳудудий статистика бошқармалари ва Марказ томонидан мурожаатларни таҳлил қилиш яқунлари бўйича ҳар чоракда, белгиланган муддатларда Давлат статистика қўмитасига таҳлилий жадваллар тақдим этилади.

Давлат статистика қўмитаси ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига мурожаатлар бўйича иш юритиш тўғрисида ҳисоботни тақдим этади.

## **IX. Яқунловчи қоидалар**

68. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик, жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ёхуд юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш, жисмоний ва юридик шахсни мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикри ва мурожаатидаги танқид учун таъқиб қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузиш, шунингдек

туҳмат ва ҳақоратдан иборат мурожаат қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

69. Қонун ва ушбу Низом талабларига риоя этишни таъминлаш учун жавобгарлик давлат статистика органлари раҳбарларига ва уларнинг ўринбосарларига, мурожаатлар билан ишлаш бўйича масъул ходимлар ва тегишли таркибий бўлинмалар раҳбарларига юкланади.